

# MADANIYAT VA SAN'AT JURNALI

ISSN: 2181-4562  
www.imfaktor.com

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

**АСҚАРОВА Зилолахон Абдумавлоновна***Санъатишунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**Камолиддин Бехзод номидаги**Миллий рассомлик ва дизайн институти**катта ўқитувчиси,**Шарқ миниатюра санъати музейи илмий ходими*<https://doi.org/10.5281/zenodo.14719296>

## “БОБУРНОМА”ГА ИШЛАНГАН МИНИАТЮРАЛАРДА ЖАНГ-БАТАЛ ЖАНРИ ТАЛҚИНИ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада йирик давлат арбоби, саркарда, истеъдодли олим, дилбар шоир, санъат шайдоси ва соҳиби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодида оид бўлган машҳур “Бобурнома” асари ва унга ишланган миниатюралардаги жанг-батал жанрига тўхталиб ўтилган. Машҳур шоҳ асар “Бобурнома” алоҳида аҳамиятга эга. “Бобурнома” – Темурийлар даври ўзбек классик прозасининг манзур намунаси ва XVI аср бошидаги ўзбек адабий тилининг нодир ёдгорлигидир.

**Калит сўзлар:** миниатюра, жанг-батал, жанр, Бобурнома, композиция, сюжет, рассом, тасвир, безак.

## В МИНИАТЮРАХ РАБОТАЛ НАД “БОБУРНОМА” ИНТЕРПРЕТАЦИЯ БАТАЛЬНОГО ЖАНРА

### АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена знаменитому произведению "Бабурнома", в котором рассказывается о жизни и творчестве великого государственного деятеля, полководца, талантливого ученого, обаятельного поэта, искусствоведа и владельца Захириддина Мухаммада Бабура, и о том, как над ним работал батал в жанре миниатюр. Особое значение имеет знаменитое царское произведение "Бобурнома". "Бабурнома" - это манзурский образец узбекской классической прозы периода Тимуридов и редкий памятник узбекского литературного языка начала XVI века.

**Ключевые слова:** миниатюра, баталия-сражение, жанр, Бобурнома, композиция, сюжет, художник, изображение, художественное оформление.

## HE WORKED IN MINIATURES ON “BOBURNOMA” INTERPRETATION OF THE BATTLE GENRE

### ANNOTATION

This article focuses on the famous work "Boburnoma", which concerns the life and work of the great statesman, commander, talented scientist, charming poet, art poet and owner Zahiriddin Muhammad Bobur, and the battle-batal genre in miniatures worked on it. Of particular importance is the famous royal work "Boburnoma". "Baburnoma" is a manzur example of Uzbek classical prose of the Timurid period and a rare monument of the Uzbek literary language of the early 16th century.

**Keywords:** miniature, battle-batal, genre, bubble, composition, plot, artist, image, decoration.

Ўрта Осиё халқларидан етишиб чиққан буюк тафаккур эгаларининг бутун бир плеядаси худди шу даврда яшаб, ижод этди. Бутун дунёга номлари машхур тарихчилар: Шарафиддин Али Яздий, Иби Арабшоҳ, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий; олимлар: Улуғбек, Али Қушчи, Қози-зода Румий; файласуф-шоирлар: Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Лут-фий, Саккокий, Атоий; рассомлар: Беҳзод, Қосим Али, Мирак Наққош, Махмуд Музаҳҳиб; хаттотлар: Султонали Машҳадий, Султон Муҳаммад Хандон, Муҳаммад бин Нур, Дарвеш Муҳаммад Токий ва жуда кўп бошқа шахслар шулар жумласидандир [1].




*“Заҳириддин Муҳаммад Бобур”. XVII аср бошида ишланган миниатюра*

Бу плеяданинг сўнгги вакили Темурийлар хонадонидан чиққан буюк ўзбек шоири, олими, давлат арбоби Бобурдир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йил 14 февралда Андижон шаҳрида туғилган. Унинг отаси Умаршайх Мирзо – Темурнинг набираси Фарғона мулкининг ҳокими эди. Заҳириддиннинг онаси Қутлуғ Нигор бегим Тошкентнинг машхур феодал зодагонларидан Юнусхоннинг қизи бўлган.

Бобурнинг ёшлик йиллари Фарғонада ўтди. Шубҳа йўқки, у дастлабки маълумотни Андижонда, асосан ўз она тилиси бўлган ўзбек тилида олган. Мирзо Бобурнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари, унинг эстетик таъби ва илмий қизиқувчанлиги Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Лutfий ва бошқа Шарқ классикларининг гениал асарлари таъсирида шаклланди. Отаси вафотидан кейин, 1494 йили 12 ёшли Бобур Андижон тахтини эгаллаб.

Фарғона мулкининг ҳукмрони бўлиб қолди. Темурийлар империясига қарашли кўпчилик ерлар ўша пайтда Шайбонийлар томонидан ишғол қилинган эди. Темурийлар империясининг жаҳонга машхур пойтахтини Шайбонийхондан озод қилиш учун Бобур Самарқандга икки марта (1498, 1500 – 1501) юриш қилган бўлса ҳам, муваффақият қозонолмади [1].



*“Бобурнома қўлёзмасига ишланган зарварақ”*

Шундан сўнг Бобур ўзига содиқ бўлган бир гуруҳ кўшини ва қариндошлари билан Қобул томонга йўл олади. Бу воқеани Бобурнинг кизи Гулбаданбегим ўзининг машҳур «Хумоюннома» асарида куйидагича баён қилган: «Тўлиқ ўн бир йил давомида, Мовароуннаҳр ўлкасида чиғатой султонлари билан шундай жанглар ва мудофаалар қилдиларки, уларнинг сонини тўла баён қилишга қалам тили ожиз ва нуқсонлидир... Икки юз киши пиёда, елкаларида чопон, оёқларида чорик, қўлларида таёқ бўлгани ҳолда, беяроқ, Худога таваккал қилиб, Бадахшон ва Қобулга қараб йўл олдилар» [5].



*“Бобурнинг Андижон атрофидаги жанги”*

Навкарларидан айримлари Андижон ва Ахси томон қочиб кетадилар. Бунинг устига Андижонда қолган айрим беклар Бобурдан юз ўгириб, унинг укаси Жаҳонгир Мирзони тахтга ўтирғизишга ҳаракат қилдилар. Андижондан кўнгли нотинч бўлган ва иқтисодий қийинчиликларга учраган, айни замонда оғир ҳасталикни бошидан кечирган Бобур Самарқандни юз кун идора этгандан сўнг, уни тарк этишга мажбур бўлади.

Аммо Хўжандга етганда Андижон ҳам қўлдан кетиб, мухолифлар ихтиёрига ўтиб кетган эди. Бу муваффақиятсизлик Бобур кўшинига салбий таъсир этиб, кўпчилик бек ва навкарлар Бобурни тарк этадилар. Кўп ўтмай Марғилонни қўлга киритади ҳамда Андижонни қайта эгаллашга ҳаракат қилади. 1498 йил июн ойларида уни қайта қўлга киритади. Бобур укаси Жаҳонгир Мирзо билан сулҳ тузиб, унинг ихтиёрида “хўжанд сувининг Ахси тарафидаги вилоятларини...” қолдиради, Андижон тарафидаги вилоятларини ўз тасарруфига олди.

Фарғона мулкига қарам бўлган Қобулда ўрнашиб олгач, Бобур янги лашкар тузиб, 1519 йили Хиндистонга юриш қилади. Фақат 1526 йилнинг апрелида Дехлининг шимолида жойлашган Панипати яқинидаги машхур тарихий жангдан кейин Султон Иброҳим Луди кўшинлари устидан ғолиб келгач, Бобур Хиндистонда марказлашган давлат – Бобурийлар империясини тузади [1].

Жамна дарёси ёқасидаги Агра шаҳрини янги империянинг пойтахти қилиб белгилайди. Бобур Хиндистон тахтида беш йилгина (1525 — 1530) ҳукмронлик қилди. У 1530 йил 26 декабрда 47 ёшида вафот этди, Аградаги Нурафшон боғига дафи этилди. Бир қанча вақтдан кейин, васиятига биноан, унинг жасади Қобулга кўчирилиб, Боғи Бобурга қўйилди. Шундай қилиб, Бобурийлар Хиндистонда 300 йил ҳукмронлик қилдилар.



*“Самарқанднинг Бобур томонидан қамал қилиниши”*

Ҳинд миниатюра рассомлиги XVI асрнинг иккинчи ярмида Жалолоддин Муҳаммад Акбар (1556 – 1605) даври санъат воқелиги сифатида маълум бўлиб, аслида бу рассомлик мактабига Бобур ва Ҳумоюн асос солган. Ҳиндистондаги янги сулола асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1525 – 1530) ўз даврининг баркамол ва қомусий ақлга эга шахс бўлган. У ўзининг ғайрат-шижоати, ўткир ақли, нозик таъби, юмшоқ қалби, фаолиятининг кўп қирралилиги билан кишини ҳайратда қолдиради. У йирик давлат арбоби, саркарда, истеъдодли олим, дилбар шоир, санъат шайдоси ва соҳиби эди.

Шоир, хаттот, олим бўлиши билан бир қаторда рассомликка жуда қизиққан. Унинг шоҳ асари “Бобурнома” (асли номи “Вақойиъ”)дан маълумки, у табиат манзараларини, одамлар киёфасини уста рассомлардек шундай тасвирлаган. Мана шу хусусият учун бўлса керак, ҳинд рассомлари бу китобнинг форсча таржима қўлёзма нусхаларини бир неча мартта кўплаб нафис расмлар билан зийнатлаганлар. Бундан ташқари “Бобурнома”да тўртта ҳиротлик ва самарқандлик рассомлар – машҳур устод Камолиддин Беҳзод, Шоҳ Музаффар, Бойсункур (Султон Маҳмуд мирзо ўғли), Ҳайдар мирзоларнинг номлари тилга олинган. Бобур ўзининг қисқа ҳаёти давомида жуда катта адабий ва илмий мерос қолдириб кетди. У она тилиси бўлган ўзбек тилида ҳамда форс-тожик тилида ижод этди. Булар орасида унинг машҳур шоҳ асари “Бобурнома” алоҳида аҳамиятга эга. “Бобурнома” – Темурийлар даври ўзбек классик прозасининг манзур намунаси ва XVI аср бошидаги ўзбек адабий тилининг нодир ёдгорлигидир.

“Бобурноманинг” бизга маълум бўлган миниатюралари икки нодир қўлёзмаларидан энг тўлиғи ва миниатюралари ниҳоятда юксак маҳорат билан ишланган тенги йўқ нусхаси – Британия музейиникидир. Бу қўлёзмадаги миниатюралардан айрим намуналар миниатюра санъати мутахассислари томонидан нашр этилган. Миниатюраларда кўплаб жанг-батал жанрида ишланган Бобурийлар сулоласининг юришлари ва жанг сахналари тасвири мавжуд. Батал жанри – уруш, жанг-жадаллар мавзусига бағишланган асарлар яратилувчи жанрдир. Батал жанрда асосий ўринни қуруқликда ва денгизда бўлиб ўтадиган урушлар ҳамда саркардаларнинг юришлари эгаллайди. Рассом уруш жараёнининг энг муҳим, ёки характерли лаҳзасини ифодалашга уринади, қаҳрамонликни кўрсатишга интилади, аксарият ҳолларда, урушнинг тарихий моҳиятини очиб бермоқчи бўлади.



### “Бобурнинг ҳазорийлар билан жанги”

*«Охир от солдим, илгари юрудум  
Сурубон тоғқа юққори юрудум,  
Мени кўруб юруди эл доғи,  
Қолди элдин кейинга кўрқоғи.  
Етибон тез тоғқа тормоштук,  
Ўқиға боқмайин юруб оштук.»*

*Гаҳи оттин тушуб, гаҳи отлиқ,  
Юрубон илгарига журъатлиқ.  
Ёғи ҳам тоғдин ўқ қўяр эди,  
Зўр кўргач солиб юруберди,  
Тоққа чиқтук ҳазорани қовлаб,  
Қийру қўлда кийик киби овлаб» [1].*

Ушбу кўпфигурали миниатюрада Бобурнинг ҳазорийларни тоғ томон қувиб бориб, улар билан олиб борган жанг сахнаси тасвирланган. Композицияда бир нечта қилич ва қалқон тутган отлиқ ва пиёда аскарлар ҳамда ярадорлар акс эттирилган. Миниатюра совуқ ва иссиқ рангларнинг ўзаро номуносиблиги асосида чизилган. Мовий тоғ тизмаси, ярим сарик рангдаги қуёш ҳамда тўқ ва оч яшил дарахтларнинг тасвирланиши воқеанинг илиқ куннинг кундуз қисмида бўлётганидан дарак беради.



*“Бобир Дашт қишлоғини ишғол қилмоқда”*

Тасвирий санъатнинг ривожланишида тирик жонзодни тасвирлашни ман этган ислом дини маълум даражада тўсқинлик қилади. Аммо бу қаршиликлар, тасвирий санъатнинг умумий тараққиётига жиддий таъсир кўрсатмади. Мана шу таъқиқланишлар натижасида Шарқ мамлакатларида дастгоҳли тасвирий санъатнинг ривожланиши бир мунча қийин бўлади, унинг ўрнини эса қўлёзма китобларга ишланган безаклар миниатюра санъати эгаллайди. Миниатюра тасвирларида асосан шарқона безак ва шеърятга хос тасвирлар умумлашган бўлиб, буларда инсонларнинг образи шартли равишда атрибутик белгилар билан умумлаштирилган. Миниатюраларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири тасвирнинг сатҳи юзидалигидир.

XVI – XVIII асрларда Шимолий Ҳиндистоннинг пойтахт шаҳарлари Агра, Дехли ва Лоҳурда ривож топган ҳинд миниатюра мактаби ўзига хослиги ва юксак бадиий хусусиятлари билан Шарқ миниатюра рассомлиги тарихида муҳим ўрин тутди. Бу миниатюра рассомлигининг шаклланиши ва тараққиётида қадимги маҳаллий ҳинд тасвирий санъатининг бой анъаналари билан бир қаторда қўшни ва чет мамлакатлар билан Ҳиндистоннинг фаол маданий муносабатда бўлганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Бу Мовароуннахр (Самарқанд ва Бухоро), Хуросон (Ҳирот), Жанубий Озарбайжон (Табриз), Эрон (Шероз) ва Ғарбий Европа рассомлигининг ҳинд миниатюрасидаги таъсирида сезилади [3].

XI – XV асрлар давомида яратилган, пальма баргларига битилган қатор диний китобларни ҳам расмлар билан зийнатлаш одат бўлган. Ҳатто Бобурийлар империяси бунёд этилгунга қадар Деҳли, Гужорат ва Бенгалияда яратилган турли расмли қўлёзмаларнинг бир нечтаси сақланиб қолган. Аммо бу миниатюра расмлар асосан кичик маданий марказларда яратилган бўлиб, ўзининг соддалиги, композициясининг шартлилиги, кам ранглардан фойдаланилганлиги ва чизиқларнинг нисбатан дағаллиги билан характерланади.



*“Андижон яқинидаги Чиглдухтаронда жанг”*



*“Бобирнинг Танбалга қарши Бишхорон қўрғонидаги жанги”*

1503-йилда Бобурнинг Тошкент хони Султон Махмудхон ва қалмоқларнинг бирлашган қўшини Шайбонийхон томонидан Сирдарё бўйида тор-мор қилинади. Бобур Самарқанд тахти учун курашаётган пайтда Андижонни Аҳмад Танбал эгаллаб олади. 1501–1504-йилларда Бобур Фарғона мулкани қайтариб олиш учун Султон Аҳмад Танбал ва укаси Жаҳонгир Мирзога қарши олиб борган кураши муваффақиятсизлик билан тугайди ва у Мовароуннахрни тарк этишга (1504-йил, июнь) мажбур бўлади [4].



*“Султон Аҳмад Мирзо лашкарининг Кубо (Кува) сойидаги ҳалокати”*

Султон Аҳмад Мирзо қўшини Андижондан тўрт йиғоч масофадаги Кубо (Кува) кентига қўнгани ҳақида хабар етгач, Бобур мирзо кўпчиликнинг маслаҳати билан амакиси ҳузурига элчи жўнатди. Элчи Султон Аҳмад мирзога Бобур мирзонинг мактубини топширди. Мактубни ўқиб, Султон Аҳмад Мирзонинг пешонаси тиришди. Мактубдаги “Вилоятта мулозимлардин бир кишини худ қўюлғусидур.

Мен ҳам мулозим ва ҳам фарзанд, агар бу хизматни манга уҳда қилсалар яхшироқ ва осонроқ файсал топқисидур”, деган жумлаларни ўқиб, жиянининг муштдек боши билан катта кишидек мушоҳада юргизганига ичида таҳсин ўқиди. Бобур мирзо ўз амакисига бўйсуннишдан бошқа иложи йўқлиги учун ҳам ўзини унга мулозим деб аташга мажбур эди. Бу билан отаси тахтига бўлган ҳукуқини сақлаб қолишга интиларди. Аммо, Султон Аҳмад мирзо жиянининг иноятталаб сўзлариги парво қилмай юришини давом эттирди. Бироқ, Самарқанд қўшини Қувасой кўпригига етганда фалокат юз берди. Лашкар тикилиб, тор кўприк оғирликни кўтаролмай бир томонга қийшайиб ағанади, кўп кишилар, отлар ва тевалар тез оқар сув дастидан нобуд бўлди.

Бундан беш йил бурун (Бобур мирзо уч-тўрт йил деб хато қилади) мўғуллар билан жангда мағлубиятга учраб, чорасиз қолганида, Чирчиқ сувида кўп одами курбон бўлганини эслаган Султон Аҳмад мирзо таҳликага тушди, қолаверса, ўша мудҳиш воқеани унутмаган лашкар ичида ваҳима бошланди. Бунинг устига от ўлати бошланиб, отлар таппа-таппа йиқилиб, типирчилаб жон бераётганини кўрган лашкар дилидаги ваҳима ўрнини қўрқув эгаллади. Шу сабабдан ҳам Султон Аҳмад мирзо ўз жияни билан сулҳ тузиб, ортига қайтишга мажбур бўлди.

“Султон Аҳмад Мирзо лашкарининг Кубо (Кува) сойидаги ҳалокати” деб номланган миниатюрада Қуванинг ботқоқлик қора суви ва ундан фақатгина кўприк орқалигина ўтиш мумкин бўлган шароитда Султон Аҳмад Мирзонинг қўшини кўприкка тикилиб ботқоқликка фарқ бўлган сахнаси тасвирланган.

Асарнинг юқори қисмида сарой ва ундан камончиларнинг ўқ ёғдираётгани, композициянинг пастки қисмида эса қочаётган аскарлар кўрсатилган. асарнинг юқори чап қисмида матн мавжуд.

Ҳинд миниатюра рассомлиги ўзига хос мактаб сифатида XVI асрнинг иккинчи ярмида шаклланган бўлса-да, ҳинд тасвирий санъати, хусусан, рассомлиги жуда кўп асрлик бой анъаналарга эга эди. XVI асрнинг иккинчи ярми ҳинд миниатюра рассомлиги тарихига асосан нодир қўлёзмаларга расм ишлаш даври бўлиб кирди. Айнан шу даврда Бобурийлар саройи қошида махсус рассомлик устахонаси очилади. Мазкур рассомлик мактабига Заҳириддин Бобур ва Ҳумоюн асос соладилар. Бобур ўзининг ота-боболари, Темурийлар кутубхоналаридан қолган нодир қўлёзмаларни, ҳатто унинг варақларини йиғиб, жамлаб, кейинчалик ҳаммасини Ҳиндистонга олиб кетган. “Бу нодир қўлёзмалар ҳинд миниатюра мактабининг шаклланишида жуда катта роль ўйнаган [2]”.

Бобурийлар даври ҳинд миниатюралари темурийлар ва Сафавийларникидан ўз бадиий услуби, эстетик нормалари билан аниқ ажралиб туради. Шарқ миниатюраларининг шартлилигидан – кичик бир сатҳда бутун бир воқеани ёки эпизотлар туркумини тасвирлаш заруриятидан – “Бобурнома” рассомлари моҳирлик билан фойдаланганлар. Айни вақтда ҳар бир композиция ўз мустақиллигини сақлагани ҳолда бир-бири билан матиқий боғланиб, асар мазмунини очиб берувчи бир бутун полотнони ташкил қилади.

**IQTIBOSLAR. СНОСКИ. REFERENCES.**

1. Бобурнома расмлари. Сўз боши муаллифи ва тузувчи Ҳамид Сулаймон. Тошкент, “Фан” нашриёти, 1970.
2. Грек Т. В. Индийские миниатюры XVI-XVIII вв. // “Наука”. - Москва, 1971.
3. А.Мадримов. “Ҳинд миниатюра мактаби”. Шарқ миниатюра мактаблари. Мақолалар тўплами. Тошкент – 1989.
4. [Zahiriddin Muhammad Bobur ibn Umarshayx Mirzo - baburid.uz](http://baburid.uz)
5. Гулбаданбегим, Ҳумоюннома, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1959, 24-25 б.